



## The Essence of The Philosophy "Vahdat Ul Vujud" In the Teaching of Sufism

**S. Karimov**

Samarkand State University, Doctor of Philosophy, Professor

## Тасаввуф Таълимотида “Ваҳдат Ул Вужуд” Фалсафасининг Моҳияти

**С.Каримов**

*Самарқанд давлат университети фалсафа фанлари доктори, профессор*

### ABSTRACT

The article explains the essence of the philosophy of "unity and being", which is the doctrine of unity and oneness in mysticism.

Мақолада тасаввуф таълимотида бирлик ва борлиқнинг бир бутунлигини англатувчи таълимот бўлган “ваҳдат ул вужуд” фалсафасининг моҳияти ёритилган.

### ARTICLE INFO

Received: 6<sup>th</sup> November 2021

Revised: 20<sup>th</sup> November 2021

Accepted: 30<sup>th</sup> December 2021

### KEYWORDS

Unity, unity, existence, love, purity, manifestation, absolute existence, the world means God, monotheism, manifestation, philosophy of knowledge, the universe

Ваҳдат, ваҳдат ул-вужуд, вужуд, ишқ, софлик, зухурланиш, мутлақ вужуд, дунё Худо демакдир, тавҳид, тажалли, ирфон фалсафаси, коинот.

### Таянч иборалар:

Ислом дини ислом оламида кучли ягона мафкурага айлангандан сўнг Ҳақ таолонинг ўз хусну, жамоли қудрат ва сифатларни намоён этиш истагини ифодаловчи “ваҳдат ул-вужуд” кучли фикрий таълимот сифатида пайдо бўлди. Ваҳдат ул-вужуд лўғавий маъноси арабча-жисмоний борлиқ - Шарқ мамлакатлари, Марказий Осиё, Ҳиндистон халқлари фалсафий қарашларида кенг тарқалган оқим. Ваҳдат ул-вужуд вужуднинг бирлиги маъносини англатиб, Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқлигини билиш шуурига соҳиб бўлишдир. Ваҳдати вужуд маслагига кўра, ҳамма нарса тоқ вужуд бўлмиш Аллоҳнинг

турли-туман тажаллийлари, зухурлари, тахайюллари ва кўринишлариндан бошқа нарса эмасдир. Ваҳдат ул- вужуд моҳияти завқ ила кашф этилиб, яшаш йўли билан билинади, мушоҳада этилади.

“Ваҳдат ул-вужудни” таълимот сифатида унинг илмий-назарий асосларини мукаммал мустақил таълимот сифатида асослаб берган киши араб диний файласуфи Шайх Акбар- Муҳйиддин ибн ал Арабий (1168.7.8, Андалусия-1240.16.11, Дамашк). ҳисобланади.

Ибн Арабий, Улуғ шайх (муаллим), Афлотун (Платон)нинг ўғли номлари билан улуғланган. Унинг таълимоти Андалусия ва Шимолий Африкада кенг тарқалган. Ибн Арабий Абу Саъид Харроз, Ҳаким Термизий, Мансур Халлож, Имом Ғаззолий ва бошқа мутасаввуф мутафаккирларнинг асарлари билан чуқур танишган. Ибн Арабий 1200 йилда ҳаж зиёратига бориб, умрининг охиригача Шарқда қолган. 1201йилда “Таржумон ал-ашвоқ” (“Ишқий шавқ таржимони”) ҳамда “сўфийлик қомуси” номини олган кўп жилдлик “Футухот ал- Маккийя”(“Макка илҳомлари”) асарини ёзган. Ибн Арабий умри давомида 400 дан ортиқ асарлар ёзган. Шулардан энг машҳур асари “Фусус ал-ҳикма” (“Ҳикматлар дурдонаси”) бўлиб унга 150 дан ортиқ шарҳлар ёзилган. Ибн Арабий замонасининг барча илмий оқимларидан хабардор бўлган. У Ибн Рушд, Сухравардий, Розий ва бошқалар билан учрашган ва илмий ҳамкорлик қилган. Лекин Ибн Арабий қарашларини Ибн Таймия, Ибн Ҳажар ал-Аскалоний, Аллома ас-Саховий, муфассир Абу Ҳайён, Изуддий ибн Абдуссалом, Ҳофиз Абу Заръа, Нуриддин Али ибн Султон Муҳаммад Ҳиравий, Саъдуддин Тафтазоний сингари алломалар ва араб тарихчиси Ибн Халдун кескин танқид қилган.

Ибн Таймия ва Ибн Халдуннинг Ибн Арабий таълимотига танқидий қарашлари ҳақида тўхталиб, олима Дилором Салоҳий ҳам ўзининг “Тасаввуф ва бадий ижод” номли китобида шундай фикрларни беради: “Уларнинг таъкидлашларига кўра, Ибн Арабий Мутлақият, яъни Ҳақ таоло ва унинг ижоди бўлмиш коинотдаги тинимсиз диалектик ўзгаришлар нуқтаи назарида фикр юритади. Орифнинг Ҳаққа етиши, Ҳақнинг бутун исмлари ва сифатлари билан коинотда ифодаланганлигини ҳис этиши-тинимсиз ўзгаришда ва зиддиятда бўлган жараёни ҳис этишидир.

Ибн Арабийга кўра, коинот Мутлақият исмлари ва сифатлари уйғунлигини акс эттирувчи восита бўлиб, унинг моҳиятини англашнинг мутлоқо имкони йўқ. Мутлақият ягона Борлик бўлиб, моддий дунё ёки коинот эса унинг ҳеч бир қадри қиммати ва ихтиёри бўлмаган сушт бир жилоси, шарпаси (аш-шабах)дир. Шу билан бирга Мутлақият Ўзининг моддийлашган исмлари (яъни мавжудот)да сифатларини акс эттиради ва шу орқали Ўз камолотини тўла намаён этади”,<sup>1</sup> деб ёзади.

Ибн ал-Арабийнинг фалсафаси шунчалик кенг ва чуқур эдики, уни бир мазҳаб ёки тариқатга боғлаш торлик қилар эди. Чунки унинг фалсафаси диний, ишқи-ирфоний, фикҳ, калом, тариқат илмларини қамраб олган эди. Лекин биз кўп ҳолларда айниқса, Юсуф бин Исмойил Набаҳоний (1265-1350)нинг “Жомеъи каромат ул-авлиё”ва Ибн Халлаконнинг “Вафаёт ул-аъён”номли асарларида Ибн ал-Арабийни моликия мазҳабида бўлганлиги ҳақидаги фикрларни учратамиз. Аммо ибн Ибн ал-Арабининг фикҳий, ирфоний, калом тўғрисидаги қарашлари ва эътиқоди унинг бу мазҳабга нисбатан фақатгина мойиллик билдирганлигини, лекин унинг ҳеч бир фикҳий мазҳабга ва каломий мактабга боғлаш мумкин эмаслигини тасдиқламоқда. Чунки у юксак эътиқодга эришган олим сифатида ижтиҳод қила олган. Лекин Ибн ал-Арабий наздида ижтиҳод тушунчаси аҳли сунна вал-жамоа уламоларига хос бўлган ижтиҳоддан фарқ қилган. “Ижтиҳод аслида Қуръон, суннат ва ижмоъга таянган ҳолда ҳукм чиқариш ҳисобланади”. “Ижтиҳод” арабча ғайрат қилиш, интилиш маъноларини англатиб, фақиҳ томонидан шаръий ҳукмни ҳосил қилиш учун барча билим ва тоқатни ишга солиш. Ижтиҳод шаръий ҳукми келмаган ишнинг махсус қоидаларни ишга солиб шаръий ҳукмни аниқлаш учун қилинади. Муҳаммад (с.а.в.) тириклигида у кишидан бошқа одам ижтиҳод қилмаган. Бу мумкин бўлмаган. Ижтиҳод Муҳаммад (с.а.в.) даврларида вужудга келиб, саҳобаларнинг Муҳаммад (с.а.в.) фаолиятлари, айтган сўзлари ҳақидаги хабарларида ихтилоф пайдо бўлган Бундан ташқари мусулмон жамоасидаги ҳаёт тарзининг ўзгариб бораётганлиги туфайли кўплаб ҳақиқий муаммолар туғилган. Шунинг учун ижтиҳоднинг асосий мақсади янги ёхуд ўтмишдошлар томонидан ҳал этилмаган масалаларни топиш, исломга таянилган ва уни қувватлаган ҳолда ҳал этиш бўлган. Шу тамойилдан

<sup>1</sup> Дилором Салоҳий. Тасаввуф ва бадий ижод. Тошкент: “Наврўз”нашриёти “2018.74-бет.

келиб чиқиб Ибн ал-Арабий “ижтиҳод” деганда “ботиний қобилиятларни ривожлантириш орқали пайғамбарларга хос бўлган илоҳий файзининг кириб келиш жраёнини қабул қилиш”<sup>2</sup> деб тушунади. Шу нуктаи назардан Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари ўзаларини шариати муҳаммаддия уламолари сафида деб билганлар ва уларга ҳайрихоҳ бўлганлар.

Ибн ал-Арабийнинг фалсафий дунёқараши пантеистик характерда бўлиб, у ҳамма нарсанинг асоси диний субстанция деб ҳисоблайди. Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг асосий тамойили – “дунё Худо демакдир” яъни бутун борлиқ ягона илоҳий моҳият, ягона илоҳий субстанциядан иборат. Янада ойдинроқ айтидиган бўлсак, ҳамма нарса Худода ифодаланганидек, Худо ҳам ҳамма нарсада ифодаланади Худо бирдан-бир ҳақиқий борлиқ бўлиб, қолган ҳамма нарсалар эса, унинг шўъласи, нуридир.

Нажмиддин Кубро назарида ваҳдати вужуд ҳақидаги қарашларида уни вужуднинг бирлиги, Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқлигини билиш шуурига соҳибдир. Ваҳдати вужуд маслагига кўра, ҳамма нарса тоқ вужуд бўлмиш Аллоҳнинг турли-туман тажаллийлари, зуҳурлари, тахайюллари ва кўринишларидан бошқа нарса эмасдир. Ваҳдати вужуд моҳияти завқ ила кашф этилиб, яшаш йўли билан билинади, мушоҳада этилади<sup>3</sup>.

Улуғ шайх Худойдоди Вали ҳам Аллоҳнинг яъни Вужуднинг бирлиги масаласида шундай ёзади: “Бас, бирлик даъвосин қилгон учун Мансурдак,

Оқибат бадном ўлуб, бар дор бўлдум на қилай, дейди

Сукр мастликнинг мусавффо жомидан нўш қилдим ичдим, лекин саҳв (хушёрлик) либоси билан сукр чехрасини ёпдим.<sup>4</sup>

(Сукр, яъни мастлик бу ваҳдат ва тавҳиб бодасидан, малакутий нурлар товланиши- ҳароратидан бўлган мастликдир. Авлиёларнинг ҳар хили мавжуд, баъзилари сукр арбоблари бўлиб, маслик ҳолатида покиза дилларидаги илоҳий сирларини очиб ташлашади. Бошқа бир сукр аҳли эса агар мастликда айтиб қўйсаларки: мен дарё булоғи- чашмасиман, унинг беҳуд (ўзида эмас)лигидан ажабланмаслик керак.).

Ваҳдат ул-вужуд назариясига кўра, олам Мутлақ Зотни мукаррам- Ҳақ таолонинг ўз ҳусну жамоли, кудрат ва сифатларини намаён этиш истагидан пайдо бўлган. Яъни, Ҳақ таоло ўз-ўзини таниш учун Борлиқни яратди. Борлиқ гўё кўзгу бўлиб, Ҳақ жамоли, илму ҳикмати унда акс этади, жиловланади. Шундан ушбу таълимотнинг муҳим қисми бўлган тажаллий ғояси ҳам келиб чиқади. Мутлақ Рух- оламнинг жони, оламдаги барча ўзгариш, қонуниятлар, зиддият ва келишувлар, модданинг ҳаракати, жисмларнинг ўзаро алоқа – муносабати, мувозанат ва низомлар. Тартиб-қоидалар, ўсиш-улғайиш ва емирилиш-ҳамам-ҳаммасида Ҳақ таолонинг иштироки, амри бор. Борлиқнинг энг кичик заррасидан коинотгача жами ашёлар Мутлақ Рух назорати. Бошқаруви остидадир. Шу асосда бутун олам ягона Рухи Мутлақнинг иштироки билан мавжуд. Борлиқ эса Рухи Мутлаққа боғлиқ ҳолдагина мавжуд. Демак ҳақиқий ва абадий вужуд Унинг Ўзи, моддий олам эса- абадий эмас, у фоний ёки Мутлақ Рухнинг ҳаёли, ҳалос<sup>5</sup>.

Демак, “ваҳдат ул-вужуд” деганда моддийликдан, шаклу шамойилдан холи, муназзах, аммо ана шу Ўзи халқ этган оламлар билан доимий бирга бўлган, бу оламлар моҳиятини қамраб олган, уларга муҳит бўлган Зоти покнинг ягона вужуди англашилади.

Айниқса, бу ҳолатни биз Абулвосеъ Бохарзийнинг “Мақомати Жомий” асарида келтирилган Хусайн Бойқаро саройидаги мажлис баёнидан билиб олсак бўлади. Абулвосеъ Бохарзийнинг ёзишича, Султон Хусайн мажлисларидан бирида Ҳирот фақиҳлари “Фиръавн ҳам иймонли бўлган” дегани учун Ибн ал-Арабий ва унинг тарафдорларини кофирликда айблашади. Ҳатто Саъдиддин Аҳмад Тафтазоний Ибн ал-Арабийнинг энг ҳурматли тарафдорларидан бўлган Шайх садриддин Куниязвийни

<sup>2</sup> Ибн ал-Арабий. Футухот ул-Маккия. 3-жилд.-Миср. 1392, -С.270.

<sup>3</sup> Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳавёт. –Т.: Моварауннаҳр, 2004. 215-216-бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: Шайх Худойдоди Вали. Улуғ авлиё. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 247-бет.

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Нажмиддин Комилов. Ибн Арабий Абдурахмон Жомий талқинида. Жаъфар Холмўминов. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: ЎзМЭ, 2008 йил. 3-4-бетлар.

ҳам кофирликда айблайди. Лекин бу масаладаги ноаниқлардан ҳафсаласи пир бўлган Хусайн Бойқаро мажлисида иштирок этаётган фақиҳларни қойийди. Шунда Шамсиддин Кўсўйи ва Шамсиддин Табодконийлар сўз олиб, Фиръавннинг иймони “иймони баъс”(қўрқувдан иймон келтириш) эканлигини таъкидлаб, Ибн ал- Арабийни мардуд ( рад этилувчи, ҳукми рад этилган ҳадисларга қайтувчи)ликда ҳисоблаш кераклиги уқтирадилар.<sup>6</sup>

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жойизки, ҳали ўша даврларда Ибн ал- Арабийнинг ваҳдат ул- вужуд ҳақидаги таълимотини даврнинг буюк аллома ва мутафаккирлари, уламолари, тариқат раҳбарлари қувватлаб чиққан эдилар. Жумладан, Имом Фаҳр Розий номи билан машҳур бўлган “Ашъария” тариқати асосчиси Муҳаммад ибн Умар Ашъарий (х.қ. 544-604), “Суҳравардия” тариқатининг асосчиси ва раҳнамози Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Суҳравардий Шофеъий (х.қ. 539-633), “Шофеъийлик” тариқати асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳибиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд Шофеъий, “Кубровийлик” тариқати асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро, Сўфий ва улўф фақиҳ Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад Али Ансорий Шофеъий (ваф. 973), Шайх Абулҳасан Али ибн Иброҳим ибн Абдуллоҳ Қорий Боғдодий (ваф. х.қ. 821) кабилар қўллаб-қувватлаган.

ХУ асрда Хиротда Ибн Арабий таълимотини ҳимоя қилиб кенг тарғиб қилганлардан бири буюк мутафаккир, нақшбандия тариқатининг пирларидан бири Абдурахмон Жомий бўлди. Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов Абдурахмон Жомийнинг бу хизматларини таъкидлаб, айтиш мумкинки, Мовароуннаҳрда Муҳаммад Порсодан кейин ҳеч ким Жомий даражасида Ибн Арабий қарашларини чуқур ўрганиб, шарҳлаган эмас,<sup>7</sup> деб ёзади.

Ваҳдат ул-вужуд бирлик ва борлиқнинг бир бутунлигини англатувчи ва абадий ягона Аллоҳгина бор, деб ҳисобловчи таълимот. Бу таълимотга кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамлашган, моддий олам Аллоҳнинг нури шуъласидир. Бу эса бутун борлик вужуд ягонадир деган маънони англатиб, Шарқ ислом пантеизмига асосланади.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотини тушунишда “вужуд” тушунчаси талқинини англаш муҳим аҳамиятга эга. “Вужуд” сўзи араб тилидаги “важд” сўзидан олинган бўлиб, - ишқ ва муҳаббат, интилиш маъноларини англатувчи сурур ва тажаллийдир. Хужвирий “Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро, важд ҳақиқий кўриш (кашф)даги амалдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ”,<sup>8</sup> дейди.

Демак, вужуд- мавжудлик, борлик. Энг мукаммал шклдаги важд ҳоли, ҳаққа етишиш. Солик башарий сифатлардан фоний бўлгач, ҳақ вужудига бирлашади Ибн ал-Арабий талқинида эса, “вужуд”ни “Борлик”, “Аллоҳ таолони топмоқ”. Унинг жамолини мушоҳада этмоқ” маъноларида англаган. Шундай экан, Парвардигор вужуд билан сифатлангандир. Парвардигор вужуднинг айнан ўзидир.... Яъни , Аллоҳ мавжуддир ва оламдаги бор нарса мавжуд эмас, дейди Ибн Арабий ўзининг “Ал Футуҳот ул-Маккия”асарида. (3-жилд.-С.429). Бундан вужудга муҳтож бўлган барча нарсалар алоҳида вужудлар эмас, балки Мутлақ вужудга таъллуқли экан, деган хулоса чиқади.

Дарҳақиқат ваҳдат ул-вужуд таълимотини тушунишда Ғарб ва Шарқ пантеизмини фарқлаш ўринли бўлади. Шарқ пантеизмида жумладан, Форобий пантеизмида моддий ибтидо ўзини тангри орқали намаён қилади. Аллоҳда моддий ибтидо гўёки очикдан - очик ифода этилмаган бир шаклда мавжуд бўлади. Кейинчалик у ноаниқлик шаклида ўзини тўлалигича озод қила боради, куч-қувватга яраша тарзда намаён бўла боради. Машҳур араб файласуфи Ибн Рушд (1126-1198) Абу Наср Форобийнинг пантеистик қарашларини давом эттириб, Яратганни шаҳар ҳокимига қиёслайди. У ўзининг “Раддиянинг раддияси”асарида Коинотни бошқариш шаҳарни бошқаришга ўхшайди. Унда ҳар қандай бошқарув марказдан туриб амалга оширилади. Лекин ҳамма нарса ҳам бевосита ҳукмдор томонидан бажарилавермайди<sup>9</sup> деб, ёзади.

<sup>6</sup> Бу ҳақда қаранг: Афсаҳзот А. Жоми –адиб ва мутафаккир. – Душанбе: Ирфон, 1989.

<sup>7</sup> Нажмиддин Комилов. Ибн Арабий Абдурахмон Жомий талқинида. Мукаддима ўрнида. Бу ҳақда қаранг: Жаъфар Холмўминов. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. 6-бет.

<sup>8</sup> Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 214-215-бетлар.

<sup>9</sup> Қаранг: Фалсафа. Қомусий лўғат. 320-бет.



Демак, Ренаннинг таъкидлашича, Форобий тушунган худ”ғилдиракнинг марказига ўхшаб, унинг сиртки қисмларини ўз ҳолича айланишига монелик қилмайди. Ибн Сино Форобийнинг анъаналарини давом эттириб, ”вужуду вожиб” ва “вужуди мумкин”нг ўзаро муносабатида неоплатоник эманация (нурланиш)таълимсотиға алоҳида эътибор беради. Мутафаккир эманация таълимотига мурожаат қилар экан, уни Яқин Шарқ анъаналарига хос диний-натуралистик тасаввурлар билан биргаликда урганишга ҳаракат қилади. Бунда коинот фалакнинг табиат ва инсон ҳаётини таъминлашдаги ролини олимнинг диққат марказида туради. Бундай тасаввурларга кўра, ёруғлик манбаи моҳияттан барча мавжуд ва билиниши зарур ашёларнинг бевосита идрок этилиши мумкин бўлмаган ботиний, яширин, сирли сабабини ташкил этади.

Бизнинг фикрмизча, Жалоддин Румий ҳам ваҳдат ул вужуд ғояларига ўзига хос муносабатда бўлган ва талқин қилган. Чунки Мавлоно ўзининг “Маснавий маънавийсида инсон моҳиятини ёритишда ҳам, илоҳий куч-қудратнинг одамда зухурланиш сир-асрорини ёритиб, шахсда ўзига-ўзи ишончни юксалтиришда ҳам кашфиёт бўлган эди. Румий инсон нигоҳини унинг ботинига, қалби ва руҳига қаратди.

Ваҳдат ул вужуд таълимотига антик давр фалсафасида мавжуд бўлган неоплатонизмнинг эманацион таълимоти ҳам сезиларли таъсир ўтказган. Чунки неоплатонизмнинг ўзи фалсафий таълимот сифатида милодий III-IV асрларда вужудга келган ва Шарқ фалсафий таълимотини Юнон фалсафаси билан бириктиришга интиланлар. Аслида эса неоплатонизм Платон, Аристотель, пифагорчилар Миср дини ва ҳиндуизм фалсафасининг синтези натижасида вужудга келган эди. Улар асос солган Рим мактабининг намаёндаси Порфирий 270 йилда ўзининг “Мистерия ҳақида” асарида неоплатонизмни Худо оламнинг ўзида мавжудлиги тўғрисидаги ғоялар билан бойитди. Неоплатонизмнинг асосий фалсафий мазмуни борлиқ иерархиясининг энг юқори нуқтаси бўлган Яхлитлик ғояси муҳим рол ўйнаган. Бу ғоянинг асосида Платоннинг “Яхлитлик-Ақл-Жон” триадаси ётади. Яхлитлик барча моҳиятларнинг моҳияти бўлиб, ақлни вужудга келтиради. Ақл(нус) жонни (петохе вужудга келтиради). Жон икки кўринишда мавжуд: қуйи жон ва олий жон. Қуйи жон мартерияга интилиб яшайди. Олий жон эса худолар томонидан яратилади. Ақл ва жоннинг биргаликдаги саъй –ҳаракати натижасида олий жон материя исканжасидан халос бўлади. Умуман олганда ваҳдат ул вужуд таълимоти кўпгина Шарқ шоир ва мутафаккирлари ижоди учун маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган. Бу таълимот айниқса ҳазрат Навоий ижодига ҳам жиддий таъсир қилган. Навоий назарида ҳам бутун борлиқ Оллоҳнинг нури, жилваси экан, демак, Оллоҳ бутун гўзаллигини, камолотини, куч-қудратини ўзининг тажаллийси бўлган борлиқда намаён қилади. Демак, шундай экан табиат, коинот, шу жумладан одамзот ҳам Оллоҳ нури таъсирида жилваланади. Худди шунинг учун ҳам табиат, жамият ва инсон бирлиги масалалари пайдо бўлди. Ваҳоланки шунинг учун ҳам улар Оллоҳ ҳурмати ва эҳтиромига лойиқдир. Айниқса, инсонга бўлган муносабат Оллоҳга бўлган муносабат даражасига кўтарилди. Айнан мана шу таълимот ўзининг ижтимоий моҳияти билан энг илғор шоир ва мутафаккирлар учун инсонни, моддий оламни, ундаги реал ҳаётни қадрлашга чақирувчи инсонпарварлик, халқпарварлик, моддий оламдаги ҳаётни қадрлаш ғояларини тарғиб қилишда таъсирча восита бўлиб хизмат қилган.

Фаридиддун Аттор ўзининг “Тазкират ул-авлиё” асарида орифлар султони Боязид Бистомий ҳақида хабар бера туриб, Ҳеч киши ундан аввал тариқат ичида сўз сўзламади, унинг мартабаси ва камоли халқдан ортиқ эди,<sup>10</sup> деб ёзади.

Бундан ташқари тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”асарига таяниб таъкидлаганларидек, ҳали ваҳдат ул-вужуд ғоялари Хуросонда тарқалмасдан бурун Фаридиддун Аттор бу ғояни ўз асарларида ифодалаган ва шунинг учун ҳам Фаридиддун Атторни “Ваҳдат ул вужуд” таълимотининг асосчиларидан деб ҳисоблаш мумкин<sup>11</sup> деб, ёзади. Чунки Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Фаридиддун Аттор тўғрисида тўхталиб, қуйидагиларни ёзади: “Алар шайх Маждуддин Боғдодийнинг муридидурлар ва “Тазкират ул-авлиё”

<sup>10</sup> Қаранг: Фаридиддун Аттор. Тазкират ул-авлиё. Тошкент Ғофур Ғулом номидаги “Шарқ” матбаа ижодий уйи. 162-бет.

<sup>11</sup> Қаранг: Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб: Тавҳид асрори.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти; “Ўзбекистон”. 1999.-Б.53.

китобтким, аларнинг мусаннафотидиндур. Анинг дебочасида ўзларини шайх Маждуддинга иродатларин зоҳир қилидурлар ва баъзи дебдурларки, Увайсий экандурлар ва Мавлоно Жалолуддин Румий сўзларида мазкурдирки, шайх Мансур Халлож нури юз эллик йилдан сўнгра шайх Фаридидун Аттор руҳига тажалли қилди ва унинг мураббийси бўлибдур. Дебдурларки, алар андоқки, отлари машхурдур, Аттор экандурлар”<sup>12</sup>.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг таркибий қисмларидан бири бўлган ирфон фалсафасида “Таъайюн”( аниқламоқ, кўриниш, зуҳурланиш) сўзи кўп қулланилади. Бу сўзнинг лўғовий маъноси “аниқлик”, “ёруғлик” маъносини беради. Лекин ирфон фалсафасида бу сўз истилоҳ сифатида турлича талқин қилинади. Ибн ал Арабий асарларини шарҳлаган Довуд Қайсарий ўзининг “Шарҳи Фусус ул-ҳикам” асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Таъайюн” бирон нарсанинг бошқа бир нарсадан устунлиги ё имтиёзини кўрсатадиган нарсадир... Масалан, вожиб ул-вужуд таъйюни “зот”га нисбатан устунроқ ҳисобланади...”. Абдурахмон Жомий ўзининг “Лавоёҳ”да “таъайюн”ни “мутлақ ваҳдат” ва барча қобилиятларни ўз ичига олган “мутлақ қобилият”, деб атади ва уни икки қисмга ажратади: 1. Аҳадият даражаси. Бу даража аввалият ва азалият даражаси ҳисобланади. 2. Воҳидият даражаси. Бу даражани охирият ва абадият босқичи деб аташ мумкин.<sup>13</sup>

Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг фалсафий таҳлили шуни тасдиқлайдики, бу таълимоти моддий ва номоддий нарсаларнинг пала партиш йиғиндиси сифатида бутун бир Мутлақ Вужудни ташкил этади деган фалсафа эмас, балки бу таълимот бутун борлиқ битта вужуддан ва унинг бирлигидан иборат. Бу ягона вужуд Аллоҳдир ва ундан бошқа борлиқ йўқлигини билишдир. Янада ойдинроқ айтганда ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг моҳияти “дунё Худо демакдир”, яъни бутун борлиқ ягона илоҳий моҳият, ягона илоҳий субстанциядан иборат. Бу билан ваҳдат ул-вужуд таълимотида Борлиқнинг ўзи Аллоҳнинг ҳақиқатидир деган маъно ётади. Демак таълимот назарида бутун борлиқ алоҳида вужуд бўла олмайди. У Мутлақ Вужуддан бир нарсадир.”Олам Ҳақнинг айнан ўзи эмас. У бутунлай Ҳақ вужудида зоҳир бўлган бир нарсадир”<sup>14</sup>.

Чунки вужуд бу олий ҳақиқат, мавжудлик ва борлиқ. Энг мукаммал шаклдаги важд ҳоли, ҳаққа етишиш Солиқнинг дунёвий сифатлардан фоний бўлиши, вужудга бирлашувидир. Шунинг учун унинг таъайюни замон ва маконга, ҳажм ва миқдор чегарасига сиғмайди.

Бундан кўриниб турибдики, ваҳдат ул-вужуд таълимотининг асосида тавҳид ётади. Тавҳид илмий истилоҳда Аллоҳнинг бирлигига ишонмоқдир. Сўфийлар эътиқодида тавҳид Аллоҳнинг азал ва абадда собит ваҳдониятига ишончдир. Олимлар тушунчасида тавҳид эътиқодга тааллуқли бўлса, сўфийлар учун у мақсад, мушоҳада ва маърифат ҳисобланади. Биринчиси –билиш ва тасдиқ этишга асосланса, иккинчиси- завқий идрокка суянади. Имом Ғаззолий таърилашича, “Тавҳид шундай шарафли мақомдурки, тавккул, ризо, Аллоҳга таслимият ҳоллари ҳам айни шу мартабанинг меваларидир”. Абдуллоҳ Ансорий тавҳид ҳақида шундай ёзади: “тавҳид, бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдир”<sup>15</sup>.

Диний адабиётларда тавҳид-тавҳиди иймоний, тавҳиди илмий, тавҳиди ҳолий (яшаш тавҳиди), тавҳиди илоҳий каби турларга бўлинади.

Улуғ авлиё, кутби олам, шайхлар шайхи Шайх Худойдоди Вали тавҳид хусусида шундай ёзади: “Аллоҳ таоло марҳамат қилади: Шаҳидаллоҳу аннаҳу ла илаҳа илла ҳу” (“Адолатда барқарор туриб, Аллоҳ гувоҳлик берадики: Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқдир”) (Оли Имрон, 18). Яъни Аллоҳ гувоҳлик берадики, У ўз Зотидан қойим ва ҳеч ким у билан шерик эмас. Аллоҳ зоти учун тавҳид лозимдир.

“Ат-тавҳиду танзихуллоҳа азза ва жалла анил ҳадиси”. Яъни, Тавҳид- азиз ва жалил Ҳақ таолонинг қадим зотини кейин пайдо бўладиган ҳар қандай исм ва русумлардан пок ва муқаддас билмоқликдир.<sup>16</sup>

<sup>12</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 10-жилд. Насойим ул-муҳаббат. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2011, 473-б.

<sup>13</sup> Нуриддин Абдурахмон Жомий. Лавоёҳ.-С.72. Бу ҳақда қаранг: Жаъфар Холмўминов. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. 101-бет.

<sup>14</sup> Қаранг: Муҳйиддин ибн ал-Арабий. Ал-Футухот ул-Маккия, 3-жилд.-С.227.

<sup>15</sup> Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 242-бет.

<sup>16</sup> Улуғ авлиё. Шайх Худойдоди Вали. Тошкент: “Ўзбекстон”. 2017 йил. 245-бет.

Шаръий истилоҳда эса тавҳид Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ деб эътиқод қилишдир. Тавҳид исломда расман эътироф этилган ақидаларнинг биринчиси, моҳиятан, асосий ва марказий ақида.<sup>17</sup>

Тавҳиднинг даражалари қуйидагилардир: тавҳиди афъол-ҳар қандай сифатни Аллоҳдан деб билиш ва уларни ҳол назари билан кўриб, камолга етказиш; тавҳиди сифот- ҳар қандай сифатни Худодан деб англаш ва уни мукаммаллаштириш; тавҳиди зот-борлиқдаги ҳамма нарсани фақат Аллоҳ вужудининг натижаси деб билиш.

Демак, ваҳдат ул-вужуд таълимотида борлиқ Ҳақнинг вужуди, ёхуд Ҳақнинг ҳақиқати деб билади. Бутун борлиқ Худонинг жамоли партавидир, ҳамма Ундандир ва ҳамма Унга қайтади. Балки ҳамма нарса Унинг Ўзидир. Чунки бирон бир нарса Усиз бор бўлолмайди. Борлиқдаги барча мавжудот Унинг нуридан таралган шуъладир.<sup>18</sup> Ҳақ вужуди- Мутлақ Борлиқ ҳам инсониятга тажаллий этишда қатор босқичларни босиб ўтади: Жумладан, аҳадиятдан воҳидиятга, воҳидиятдан рабубиятга, рабубиятдан кавнияга, кавниядан ҳазрати инсониятга босқичма-босқич тажаллий этади. Ана шу тажаллий натижасида барча моддий ва номоддий нарсалар ва тушунчалар ҳаракатда бўлади ва ана шу ҳаракат тўғрисида олам доимий равишда ўзгариб боради.

Аллоҳ вужудининг Борлиққа тажаллийси масаласи ваҳдат ул-вужуд таълимотининг асосий қисмини ташкил қилади ва бу борада ҳам турли баҳс мунозаралар бўлган. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний ваҳдат ул-вужуд орифлари ва мутакаллимлар яъни ашъария ва мотрудия мактаби ўртасидаги нозик баҳс масалаларига тухталиб шундай ёзади: " ваҳдатчи орифлар соний ва маснуъ (яратувчи ва яралганлар)нинг бирлигига ишониб, Худонинг вужуди, яъни зоти барча ашъа жорийдир, яъни яратувчи ҳар нарсада мажуддир, деган ақидани талкин қиладилар... Аммо мутакаллимлар худо зотининг бирлиги- ягоналигига ишониб, бутун Борлиқда худонинг зоти эмас, балки феъли (амали)жорийдир, худо ўз иродаси билан бутун коинотни қамраб олган ва тўхтовсиз амал қилмоқда ва бу амал азалий ва абадийдир, деган фикр билдирадилар".<sup>19</sup>

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дунёда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳасида глобаллашув жараёни кескин тус олган ва мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамияти куриш жараёнида дин ва эътиқод эркинлиги таъминланган ва диний қадриятлар маънавиятимизнинг таркибий қисмига айланган бир шароитда тасаввуф таълимоти илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимизнинг маънавий мероси тасаввуфий ирофоний ва ислом фалсафасининг ўз меъёрлари ва тушунчалари асосида ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, ёш авлодни миллий мафкура, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш жараёнининг асоси бўлган маънавий - руҳий баркамоллик сари бориш тасаввуф таълимотини чуқур ўрганиш орқали амалга ошириш мумкинлигини даврнинг ўзи таққазо қилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибн ал-Арабий, Муҳйиддин. Ал-Футухот ул-Маккия, 3-жилд. Таҳқиқ: Усмон Яҳё. – Миср, 1392.
2. Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат. ТАТ 10-жилд. Т.: "Ғофур Ғулом номидаги нашриёт" матбаа ижодий уйи. 2011.
3. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Тошкент. Маварауннаҳр. 2004.
4. Шайх Худойдоди Валий. Улуғ авлий. Тошкент: "Ўзбектсьон". 2017 йил.
5. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. -Т.: "Адолат". 2001.
6. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. I -китоб.Т.:1996.
7. Жафар Холмуминов. Жомий ва Ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: ЎЗМЭ. 2018.
8. Ислом энциклопедия. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти. 2017.

<sup>17</sup> Ислом энциклопедия. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти. 2017.444-бет.

<sup>18</sup> Жаъфар Холмўминов. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. 105-бет.

<sup>19</sup> Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон.-Т.: Адолат, 2001.-Б.24-25.

9. Фалсафа. Қомисий лўғат. Тошкент. Шарқ нашриёт матбаа акциядорлик компанияси. 2004.
10. Дилором Салоҳий. Тасаввуф ва бадий ижод. Тошкент. “Наврўз” нашриёти 2018.